

2018-09-20 17:47

1. "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси қандай ишларни ва вазифаларни бажаради?

Жавоб. Уюшманинг амалга оширадиган ишлари ва вазифалари қуйидагича:

Уюшманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари

"Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-талаб-эҳтиёжни чуқур ўрганиш асосида, янги мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум билан ички истеъмол бозорини узлуксиз тўлдириб бориш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларни қиш-баҳор даврига ғамлаб қўйиш учун фермер ва деҳқон хўжаликларидан, агрофирмалардан шундай маҳсулотларни харид қилиш шартномаларини тузиш;

-қиш-баҳор даврига ғамлаб қўйиладиган янги мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумнинг яхши сақланишини ташкиллаштириш, уларни сақлаш вақтида нобудгарчиликларни камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, маҳсулотни харид қилиш ва етказиб беришда замонавий логистика тизимини кенг жорий қилиш;

-республика шаҳарларида янги мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум сотиш бўйича ихтисослаштирилган ярмарка савдоларини доимий асосда ўтказиб туриш;

-тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг қўламда жалб этиш ва уюшма таркибига кирган корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишларини ташкил қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган махсус омборхоналар ва совутиш камералари қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялашни таъминлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш;

-олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшовчи аҳолини ижтимоий аҳамиятли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли ва узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

-уюшма таркибига кирган корхоналар мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

2. "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси тизимидаги корхоналари тўғрисида батафсил маълумотлар қандай олиш мумкин?

Жавоб. "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси тизимидаги улгуржи савдо базалар бўйича "uzsavdo.uz" расмий веб-саҳифаси орқали қуйидаги маълумотларни олишингиз мумкин.

3. "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси ташкил этилишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қандай?

Жавоб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 апрел "Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира»ни ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2517-сонли қарорига асосан ташкил этилган

4. "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси таркибига кириш учун нима ишлар амалга оширилиши зарур?

Баъзи саволларга жавоблар

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси сайтида нашр этилган (<http://uzsavdo.uz>)

Жавоб. Мазкур масала бўйича (<http://uzsavdo.uz/?q=uz/agreement>) хавола бўйича ва 239-11-70, 239-49-50, 239-49-00 телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.